Ушбу сонда:
2 БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ
3 ҲАЙКАЛ ПОЙИДА ГУЛЛАР
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 7 май, шанба № 73 (1914)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАМНУН

***«Шириннон» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган турли-туман нон ва кулчаларни «Нурчилар шаҳри» аҳолиси суйиб истеъмол қилади.***

Хориж технологияси асосида маҳсулот тайёрлаётган корхона жамоаси бир кунда олти юз килограммдан зиёд унни қайта ишлайди. Кескин рақобат муҳитида маҳсулот сифати ва истеъмолчилар талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳарнинг 1- ва 2-мавзеларида учта фирма дўкони ишлаб турибди. «Шириннон» новвойлари бошқа ҳудудлардан ҳам ишончли ҳамкор топиш мақсадида ўз маҳсулотларини вилоят хомашё биржаси кўргазмасига қўйди.

- Биз ўз маҳсулотларимиз сифатига кафолат берамиз, шу боис рақобатдан чўчимаймиз, - дейди корхона директори Бахтиёр Ҳакимов.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ ҳамда аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга якка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлаш мақсадида:***

1. Қуйидагилар Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини, Жамғарма маблағларини тўлдирадиган бошқа манбаларни жалб этиш ва жамлаш;

ипотека кредити беришда иштирок этадиган «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ҳамда бошқа банклар (бундан буён матнда банклар деб юритилади) якка тартибда қарз олувчиларга ўз эҳтиёжлари учун уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга (бундан буён матнда якка тартибда қарз олувчилар деб юритилади) кредитлар бериши учун ана шу банкларга шартнома асосида кредит линиялари очиш;

Жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши мониторингини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилади ва у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади;

Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши Жамғарма бошқаруви юқори органи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижроия дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади;

Жамғарма ижроия дирекциясини таъминлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан, Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ижроия дирекциясининг бошқарув ходимлари сони 5 кишидан иборат бўлган тузилмаси;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизми тўғрисидаги Низом.

4. Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг функциялари этиб белгилансин:

хорижий кредитлар, инвестиция ва грантларни жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларини Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга жалб этиш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланиш прогнозларини тасдиқлаш;

банкларга бериладиган ҳар бир кредит линияси бўйича фоиз ставкасини тасдиқлаш;

Жамғарма ижроия дирекцияси фаолияти устидан, хусусан тушумлар манбаларини шакллантириш, кредит линияларини ўз вақтида очиш ва тўлаш соҳасида назоратни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

халқаро ва хорижий молия институтларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ва грантлари;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида назарда тутиладиган давлат бюджети маблағлари;

ипотека кредити бериш учун банклардаги кредит линиялари бўйича фоизлар ҳисобидан ҳамда Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қисқа муддатли давлат хазина мажбуриятларига ва банклардаги депозитларга жойлаштиришдан, шунингдек қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан тушадиган даромадлар;

якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлар.

6. Жамғармага:

маблағларни шакллантириш манбаларини тўлдириш учун ипотека ва уй-жой облигациялари, шунингдек бошқа қимматли ипотека қоғозлари чиқариш ва сотишга, кимошди савдоларида иштирок этишга;

банкларга уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга ва Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир кредит линияси бўйича тасдиқланадиган фоиз ставкаси билан қайтариш асосида уй-жойларни реконструкция қилиш ва харид қилишга, шунингдек янги қурилишга ҳар бир якка тартибда қарз олувчи ҳисобига энг кам иш ҳақи миқдорининг тегишли равишда 2500 ва 3000 карра миқдорида, аммо уй-жой қурилиши, реконструкция қилиш ва харид қилиш қийматининг 75 фоизидан ошмайдиган миқдорда кредит линиялари очишга рухсат берилсин.

7. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустаснодир.

8. Банклар маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда ана шу аниқланган маблағнинг ҳаммаси Жамғарма билан банк ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган жарималарни қўллаган ҳолда Жамғарма ҳисобига муддатидан илгари қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобот йилининг 1 ноябридан кечиктирмай ҳар йили Жамғармага уй-жой қурилиши учун ажратилаётган ер майдонлари ва прогноз қилинаётган йилга мўлжалланган уй-жой қурилиши ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «икки йиллик» сўзлари «уч йиллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
2005 йил 6 май

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

***2005 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

***Сенат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.***

***Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев бошқарди.***

Сенат аъзолари кун тартибига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар.

Сенаторлар парламент юқори палатасининг олтита қўмитаси таркибини ҳамда қўмита раисларининг ўринбосарларини сайладилар, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссиясини туздилар.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасининг асосий қоидалари инобатга олинган ҳолда 2005 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган қонунчилик ва назорат фаолияти режалари ҳамда ўтказадиган тадбирларига ялпи мажлисда сўзга чиққан Сенат қўмиталарининг раислари алоҳида тўхталдилар.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини сенаторлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов тақдимига кўра кўриб чиқдилар. Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Аимбетов, Р.Усмонов, Ҳ.Ортиқбоевалар иштирок этди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат кўриб чиқиши учун киритилган «Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикаси Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида Шерикчилик таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга доир Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрел) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни атрофлича муҳокама этилганидан кейин маъқулланди.

Кун тартибидаги мазкур масала юзасидан Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, сенаторлардан А.Султонов, С.Герасимова, И.Бобожоновлар сўзга чиқдилар.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари кун тартибидаги Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Воҳидов сўзга чиқди. Сенаторлар Акмал Икромов тумани номини Учтепа деб ўзгартириш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар аҳлининг мурожаатларига асосланган илтимосномасини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларини амалга оширишга киришдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Улар орасида «Р.Ҳ.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида»ги, «Б.М.Тайджановни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа баъзи фармонлари бор.

Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини тайинлаш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинди. Бундай масалалар қаторида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолиятига оид ҳисобот ҳам бўлиб, уни муҳокама қилишда сенаторлардан В.Пак, И.Собиров ва бошқалар иштирок этдилар. Сенат Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Сенаторлар С.Ш.Рашидовани Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини туғаллади.

## «ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА»




«Ўзбекистон» нашриётида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида» деб номланган китоби босилиб чиқди. Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқи ўрин олган.

Шу билан бирга, дунёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунос олимлар, халқаро эксперт ва кузатувчилар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг 2004 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли дастурий маърузаси юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам китобга киритилган.

**(ЎзА)**

***Шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси Юнусобод туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

## ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Шу муносабат билан ўтган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазаси давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида эканини алоҳида таъкидладилар. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 февралда қабул қилинган тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қарорда юртимизда тез тиббий ёрдам станцияси, унинг туман бўлинмаларини ихтисослаштирилган автотранспорт, замонавий алоқа воситалари, тиббий ускуналар, зарур дори-дармонлар билан етарли миқдорда таъминлаш кўзда тутилган. Бу эса аҳолига биринчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тезкорлиги ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

- Юнусобод - пойтахтимизнинг аҳоли зич яшайдиган туманларидан, - дейди бўлим раҳбари Роҳат Юсупова. - Янги бинода беморга биринчи тиббий тез ёрдам кўрсатиш учун барча шароит мавжуд. Малакали шифокорлардан иборат бешта педиатрия ва саккизта умумий ҳамда ўта оғир хасталиклар учун терапия бригадаси хизмат кўрсатади.

*9 Май - Хотира ва қадрлаш куни*



## ПОЧТА МАРКАСИДА АДИБ СИЙМОСИ




«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти «Ўзбекистон маркаси» филиали атоқли адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган почта маркасини чоп этди. У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Марка Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ҳамда Ойбек уй-музейи илмий ходимлари билан ҳамкорликда тайёрланди.

## ҲУЖЖАТЛАР ТИЛИ БИЛАН

***Бухорода «Нуроний» жамғармаси вилоят ва шаҳар бўлимлари томонидан бундан етти йил бурун «Хотира музейи» ташкил этилган эди. Бу ерда тўпланган тарихий маълумотлар ва ҳужжатлар уруш йилларидаги оғир турмуш ва юртдошларимиз матонатидан ҳикоя қилади. Мингдан зиёд экспонат орасида аскар мактублари, «қора хат»лар, кўплаб фотосуратлар, жангчиларга тегишли буюмлар мавжуд.***

- Ўтмишни англаш, ёшларни боболар хотирасига ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган музейимиздан одамларнинг қадами узилмайди, - дейди музей раҳбари, уруш қатнашчиси Умар бобо Камолов. - Уларнинг аксарияти талаба ва ўқувчилардир.

Музей ҳужжатлари тарихчи олимлар ва ижодкорларда ҳам қизиқиш уйғотди. Яқинда «Бухоро» нашриёти Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан журналист Абдужалил Халилов қаламига мансуб «Бухородан олисдаги жанггоҳларда» очерклар тўпламини ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди. «Хотира музейи» фондидаги архив материаллари асосида ёзилган бу китобда муаллиф 14 нафар уруш қаҳрамонининг ҳаёт йўли, ўлмас жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

**(ЎзА)**



*Ўрта Чирчиқ туманидаги «Тонг» масъулияти чекланган жамиятида ўттиз нафар қишлоқ хотин-қизлари меҳнат қилмоқда. Айни пайтда қўлигул чеварлар томонидан 15 хилдаги кийим-кечак тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Асосан буюртма асосида тикилаётган бу маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.*

**Суратда: тикувчи Наргиза Назирова.**

## АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

Андижон шаҳридаги «Хотира» майдони янада гавжумлашган. Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканган. Майдонга кириб келишингиз билан «Авлодлар хотираси мангудир» деган лавҳага кўзингиз тушади. 7 нафар шаҳид кетган қаҳрамон йигитлар сиймоси акс этган ҳайкаллар Мотамсаро она атрофини қўрғонлаган. Бу марду майдонлар жанггоҳларда Ватан шарафини ҳимоя қилган фидойилардир. Умуман, Иккинчи жаҳон урушига андижонликлардан 97 минг жангчи сафарбар этилган. 40 мингдан зиёдроқ аскар урушдан қайтмаган. 12 нафар ўғлон Қаҳрамонлик нишонига сазовор бўлишган.

Шарқона меъморий услубда қурилган муҳташам айвондан одамлар сафи узилмайди. Мисдан ишланган китоб шаклидаги саҳифаларда вилоятдаги 17 та туман ва шаҳарлардан фронтга кетиб, шаҳид бўлган ўғлонларнинг исми-шарифлари муҳрланган. Андижон шаҳрига бағишланган саҳифалар қаршисидамиз. Ўқиймиз: Ашуров Н, Ашуров М., Ашуров Т. Фамилиядошлардан Ҳасан-Ҳусан ёҳуд бир палакдан туп ёзганликларини пайқаш қийин эмас. Ҳаммаси ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон йигитлар эди. Бир оиладан уч паҳлавонни юлиб кетган уруш кўргиликларига ота-она қандай чидаш бердийкин?

Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деганлар. Уруш туфайли халқимиз бошига тушган кулфатларни юракдан ўтказсангиз бугунги ҳаётимиз, тинч осмонимиз, осуда ҳаётимиз, меҳнат нонимиз ширинлиги, Истиқлол қадри янада баландлашгандек бўлади. Асакалик зиёратчилар шаҳид кетган жангчилар номлари қайд этилган лавҳа олдида узоқ туриб қолишди. Биров отасини, биров жигарғўшасини, биров акасини ёд этади. Мана Аҳмедов Г. фамилияси... 1914 йили туғилиб 1942 йили вафот этган. Демак 30 ёшни қоралашга ҳам улгурмаган. Яна ўқиймиз. Аҳмадалиев Т. ёзувларга кўра 20 ёшида ҳаётини якунлаган. Т.Алимов эса 19 ёшида жанг майдонида ҳалок бўлган. Э-воҳ! Эрта хазон бўлган бу умрлар, бу тақдирлар. Не-не оталар, оналарнинг қаддини дол қилиб, сочларида қиров қолдирдийкин. Шу боис бундай Ватан фидойиларини ҳамиша таъзим ила ёд этамиз. Улар руҳи олдида бош эгамиз. Вилоятда айни кунда қарилик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жойларда ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан Хотира кечалари, авлодлар учрашуви ўтказилмоқда. Фахрийларга байрам дастурхонлари ёзилиб, совға-саломлар улашилмоқда. Уруш қатнашчиларига 200 та аравача тақдим этилгани ҳам ана шу меҳрибонликнинг бир кўринишидир. Бу эзгу ишга касаба уюшмалари ҳам бош-қош бўлаётганлиги қувончли ҳолдир. Жорий йилда 100 нафардан зиёд уруш фахрийлари бепул йўлланмалар билан санаторий ва курортларда дам олдирилиб, саломатликлари тикланди.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қ и л а д и:***

1. Қаҳрамон Ирисалиевич Исаров Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Нуритдин Зубайдуллаевич Ташматов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.

3. Бахтиёр Ўроқович Жамолов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

4. Мухитдин Яхъёевич Бобоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 май

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қ и л а д и:***

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:
Солиев Исмоил Комилович
Закирова Лариса Григорьевна

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 май

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қ и л а д и:***

1. Сайёра Шарафовна Рашидова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 май

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қ и л а д и:***

1. Борий Ботирович Алихонов Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 май

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N9, 176-модда; 1999 йил, N1, 27-модда, N9, 239-модда; 2001 йил, N9-10, 194-модда; 2004 йил, N5, 101-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қ а р о р қ и л а д и:***

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб сайлансин:

**Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиевич** - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси

**Рустамова Гулнора Рашидовна** - Самарқанд шаҳридаги 2-поликлиника бош шифокори

**Тогаев Кучкар** - Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

**Турсунбаев Юлчибой Эргашович** - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари Ҳ.Ч.Бўриев, Б.Мустафаев ва Б.Н.Тошевнинг ваколатлари берган аризаларига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 май

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N9, 176-модда; 1999 йил, N1, 27-модда, N9, 239-модда; 2001 йил, N9-10, 194-модда; 2004 йил, N5, 101-модда) қисман ўзгаришлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қ а р о р қ и л а д и:***

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб сайлансин:

**Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиевич** - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси

**Рустамова Гулнора Рашидовна** - Самарқанд шаҳридаги 2-поликлиника бош шифокори

**Тогаев Кучкар** - Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

**Турсунбаев Юлчибой Эргашович** - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари Ҳ.Ч.Бўриев, Б.Мустафаев ва Б.Н.Тошевнинг ваколатлари берган аризаларига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 19 апрел

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қ а р о р қ и л а д и:***

1. Сайёра Шарафовна Рашидова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 19 апрел

*Бир Фармон шарофати*

# ҚОРАҚАЛПОҚ ЙЎЛЛАРИ

***Қорақалпоғистон йўллари... Бир учи Устюрт саҳроси оралаб қўшни Қозоғистон, иккинчи томони Қизилкум ва Қорақум чўллари орқали Туркманистон давлати ҳудудларига чўзилиб кетган, Шарқу Ғарб мамлакатларига олиб борувчи Буюк Ипак йўли ана шу кенгликлардан ўтади.***

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг истиқболли қурилишида магистрал йўллар алоҳида аҳамият касб этади. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, таъмирлаш ва янгилаш бош режа асосида амалга оширилгандагина юртимиз чиройига-чирой қўшилади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва яқинда қабул қилинган «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори зиммага катта масъулият юклади. Қарорда кўрсатилганидек, шаҳарларнинг бош режаларини аниқ пухта ишлаб чиқмасдан, аҳоли пунктларини зарур лойиҳа режалаштириш ҳужжатлари билан таъминламасдан йўл қурилишини амалга ошириш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди.

Оролбўйида бунёд этилган 345 километрли Навоий - Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган ва Хоразмдан Тўрткўлга ўтадиган улкан кўприклар, Қўнғирот автомобил йўли каби муҳим стратегик иншоотлар Қорақалпоқ заминидаги табиий заҳираларни ўзлаштириш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Республика пойтахтида қурилган 20 километрли айланма йўл транспорт қатновини енгиллаштириш имконини беради.

Халқимизда йўл қурганлар муродига етади, деган нақл бор. Одамлар узоғини яқин, мушкулини осон қилиш савоб ва фахрли иш. 241 километрли Қўнғирот - Бейнов автомагистрали Ўзбекистон Республикасини Қозоғистон, Россия давлатлари билан боғлайди ва Европа портларига олиб чиқадиган тўғри йўналишдаги қулай, энг яқин йўл ҳисобланади.

Йўл қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли иш кўлами жадаллаштирилмоқда. Эни 12,5 метр бўлган йўлга 20 сантиметр қалинликда асфалт ётқизилади. Унинг дастлабки босқичи қуриб, битказилди. Эндиликда иккинчи босқичи қурилиши давом этмоқда.

Белгиланган лойиҳага мувофиқ 13 миллиард 888 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши керак. Бултур бу кўрсаткич 6 миллиард 455 миллион сўмдан ошиб кетди. Иш ниҳоясига етказилиши учун яна кўплаб йўл қурилиши юмушлари амалга оширилади.

Оғир об-ҳаво шароити, саҳро қум бўронларига қарамасдан юзлаб қадоққўлли бунёдкорлар ҳақиқий жасорат кўрсатмоқдалар. Жаслиқ, Ажиниёз, Бўстон, Қорақалпоғистон участкаларида ҳаёт қайнайди. Қурувчилар турар-жой, ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Режани ошириб адо этганларга маошдан ташқари қўшимча мукофотлар берилаяпти.

«Қорақолпоқавтойўл» тасарруфида умумий узунлиги 4295 километр йўллар бор. Шундан 254 километрини халқаро, 1392 километрини республика, 2649 километрини маҳаллий аҳамиятига эга йўллар ташкил этади. Қурилиш билан бирга кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилаяпти.

Бош муҳандис Олимжон Раҳимов, Қувониш участкаси бошлиғи Пўлат Утемуратов, автогредерчи Алланазар Болтабоев, Юсуфбек Примбетов, экскаватор ҳайдовчиси Норбой Пирнафасов, булдозерчи Аширбой Шукруллаев кабилар ҳар бир топшириқни виждонан адо этишга одатланишган.

Йирик автомагистрал «Қўнғирот-Бейнов» йўли қурилишида ўндан ортиқ автогрейдер, 44 та самосвал, 9 та экскаватор, 3 та юклагич, 10 та бульдозер, 11 та асфальт ётқизадиган техника ва 300 га яқин ишчилар жалб қилинган. Йўлни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли иншоот сифатида топшириш учун мавжуд имкониятлардан тўла қувват билан фойдаланилаяпти.

Хўжайли - Нукус магистрал йўллари бошқармаси, Қўнғирот, Беруний, Тўрткўл туман хўжалиги пудрат ташкилотлари жамоаларининг самарали меҳнати билан қурилиш-таъмирлаш ишлари режаси ошириб адо этиб келинаяпти. Шуниси эътиборга лойиқки, материаллар Қоратов йўллардан фойдаланиш бошқармасига қарашли карьердан қазиб олинаётганлиги туфайли анча арзонга тушмоқда.

Шўъба корхонаси бошқарув кенгаши ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномага киритилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланилаяпти. Ишчилар махсус кийим-кечак билан таъминланган. Сут ва сут маҳсулотлари бериб борилаяпти. Участкаларда кўчма ошхоналар, ювиниш ва дам олиш хоналари ташкил қилинган. Ходимларни рағбатлантириш учун 44 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Хуллас, давлат аҳамиятига эга бўлган улкан магистраллар, шаҳарлар ва туманлараро йўлларни барпо этаётган азамат қурувчиларнинг иш унуми тобора ошиб бормоқда.

**Ёлқин**





# ЁШЛИК ШИЖОАТИ

Янги иш ўринлари ташкил этишда қўшма корхоналар имконияти катта ҳисобланади. Жалолқудуқ туманидаги «Ойимтекстил» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси бу борада анча самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерда 600 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари учун кафолатли ишчи ўринлари яратилган. Уларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Қўшма корхона Германия ва Швейцария давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида калава ип ҳамда трикотаж газламалари ишлаб чиқариляпти. Корхона ишчи-хизматчилари илғор тажрибалардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш режаларини лойиҳа қувватидаражасига етказишга ҳаракат қилмоқда.

Низом жамғармаси 174 минг еврога тенг мазкур корхонанинг айнан Ойим қишлоғида ташкил этилиши бу ерлик аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда маҳаллий инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, корхонанинг асосий истеъмолчилари бўлган Швейцария, Латвия ва Турция саноатчилари маҳсулот сифатига юқори баҳо бермоқда. Эндиликда корхона маҳсулотлари Польша ҳамда Болгария давлатларига жўнатила бошланди.

**Суратларда: ишчи Сурайё Зунунова; ишчилар Шохиста Абдураимова ва Зулфия Қурбонова.**

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

# 200 КИШИ ИШГА ЖОЙЛАШДИ

***Ургутда тамаки хомашёсини қайта ишлайдиган "Яшил олтин" кичик корхонаси анча йиллардан буён фаолият юритади.***

Бу корхона ҳар йили қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етказиб берилган беш минг тоннадан зиёд тамакини тайёр хомашё сифатида қайта ишлаб чиқармоқда. Тамакининг "Дюбек" навини қайта ишлаётган корхона хомашёларидан МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Яқинда корхонада Самарқанд вилоятида ягона, саноатда муҳим ўрин тутадиган шифер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. У бир кунда 8 минг донадан ортиқ сифатли шифер ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхона ишга тушгач, 200 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

**"Туркистон пресс"**

*Халқаро форум якунлари*

# КЕЛАЖАК ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

***Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан изчил амалга оширилаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсатининг асосий мақсади - фарзандларимиз жисмоний, маънавий ва ижодий жиҳатдан ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиб беришдан иборатдир, деб таъкидланди Тошкентда бўлиб ўтган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакл ва усуллари» халқаро анжуманида. Амалга оширилаётган қатор ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларида ҳам ана шу олижаноб интилиш мужассам.***

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Анжуман қатнашчилари бу йўлда қандай чора-тадбирлар амалга оширилаётганини муҳокама қилди. Бу хайрли тадбирлардан бири Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ташкил этилиши бўлди. Марказ мутахассислари бу борадаги муаммоларни чуқур ўрганиш билан чекланиб қолмай, уларни ҳал этиш бўйича аниқ мақсадли комплекс дастурларни ҳам ишлаб чиқмоқда.

Болалар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш - тараққиёт жараёнларининг узвий қисми ҳисобланади, деб таъкидлади ўз маърузасида Инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори А.Саидов. Ўзбекистон аҳолисининг 39 фоизини ҳали меҳнатга лаёқатли ёшга етмаганлар ташкил этади. Республикада болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизими яратилган бўлиб, у давлат ва жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Хорижий мутахассислар анжуман иштирокчиларини халқаро ташкилотлар ва турли мамлакатларнинг болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тўплаган ижобий тажрибаси билан таништирдилар. Жумладан, Буюк Британиянинг «Принс траст» ижроия жамғармаси раҳбари Линда Круз болаларни жароҳатдан кейин ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий усуллари ҳақида сўзлаб берди.

Анжуман қатнашчилари етим, ногирон ва тарбияси оғир болаларнинг ижтимоий нуқтаи назардан мослашуви ва реабилитацияси билан боғлиқ масалаларни, вояга етмаганлар орасида рўй берадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги усуллари ҳамда ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш борасидаги ишларни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Анжуманда ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларнинг мослашуви ва ҳимоясининг услубий, ташкилий, ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатлари бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

- Анжуманда қатнашиш мен учун жуда фойдали бўлди, - деди ЎзА мухбирига Киев давлат университети ижтимоий ишлар кафедраси мудири, профессор Юрий Швалб. - Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдик. Менинг Ўзбекистонга ташриф чоғида олган энг катта таассуротим - бу мамлакатингизда ўзбек халқининг ёрдамга муҳтож болаларни ҳеч қачон эътибор ва ғамхўрликдан четда қолдирмасликдек эзгу аньанаси давлат даражасида қўллаб-қувватланаётгани бўлди.

Бу фикрга Истамбулдаги тарбияси оғир болалар билан ишлаш бўйича реабилитация маркази директори, «Йениден» (Туркия) жамғармаси раҳбари Қултегин ўғли ҳам қўшилди:

- Ишончим комилки, бугун қабул қилинган ҳужжатлар, анжуманда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларнинг ошкора муҳокама этилиши бу борадаги фаолиятнинг янада кучайишига, энг самарали услуб ва янги ечимларни излаб топишга хизмат қилади. Ўзбекистонда тарбияси оғир болаларнинг ижтимоий мослашуви масаласига ҳақиқий давлат ёндашуви мавжуд бўлиб, бу келажакни ўйлаб қилинаётган ишларнинг янада ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради.

- Анжуман жуда юқори савияда ўтди,- деди Россия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш федерал агентлиги «Детство» федерал реабилитация маркази директорининг биринчи ўринбосари Олег Ефимов. - Бу ерда қабул қилинган ҳақиқатан ҳам ҳаётбахш қарорлар анжуманнинг асосий натижаси бўлди. Ўзбекистон ҳукумати болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни қўллаб-қувватлаётгани боис бу қарорларнинг амалга оширилишига шубҳа йўқ. Бундай ғамхўрликни ҳамма жойда ҳам учратиш қийин. Анжуман кун тартибига қўйилган муаммолар кутилганидан ҳам кенгроқ муҳокама қилинди. Тарбияси оғир болалар, етимлар, ногиронлар ҳаёти ва тарбиясининг барча жиҳатлари қамраб олинди. Бу масалада мамлакатингизда муваффақиятли ҳал этилаётган қатор жиҳатларни биз, россиялик мутахассислар, ўз фаолиятимизда инобатга олмаганимиз аён бўлиб қолди. Ўзбекистон тажрибаси биз учун жуда аҳамиятли ва фойдали бўлди, биз уни ўз ишимизда албатта қўллаймиз.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда болалар ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик оғушида яшамоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш - халқ ва мамлакат келажаги учун ғамхўрлик демакдир. Тошкентда ўтган халқаро форум якунлари ҳам бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

**А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири**

## Инсонийлик иқлимларида

***Уйчилик Тожиддин Ғозиев биздан тўрт-беш ёш улуғ бўлиб, ҳаёт қозонида обдон қайнаб сўнггина ўқишга кирган. Анча йил туман газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда, кексалик гаштини сурмоқда. Бот-бот отамлашиб турамиз. Яқинда дийдорлашиб ўтирарканмиз, гап мавзуи меҳроқибатга бориб тақалди.***

# ШОГИРДИДАН БУЮРДИ

- Мен бир одамни биламан, - деб қолди курсдошим. - Қарангки, у ўзига бошланғич синфда дарс берган муаллимининг кўзи ожизланиб қолганида бошқа шаҳарга олиб бориб, ёнидан пул сарфлаб операция қилдирибди...

Курсдошимнинг ўша гапи менга жуда таъсир қилди. Рост-да, устози беморлигини эшитиб тўрттагина нон қўлтиқлаб хабар олинса ҳам кўрганлар алқайди, дуо қилади. Йўл бўйида боши қотиб турган ожизни нариги томонга ўтказиб қўйган киши учун дўзах ўти ҳаром дейишади. Бир умрга ёруғ олам билан хайрлашган, унинг бекиёс гўзалликларидан баҳраманд бўлишдан умидини узган, ночор ва бебахт инсонга қайтадан нурафшон дунёни кўришига муяссар этиш, билмадим, бундай одамга қандай миннатдорчилик билдириш, шаънига қай тариқа тариф бериш мумкин экан!

...Абдураҳим Қаюмов Уйчидаги катта оиланинг карвонбошиси. Ували-жували. Икки нафар ўғил, уч нафар қизнинг отаси, йигирмага яқин набиранинг бобоси. Фарзандлари ҳам ўзи сингари топармон-тутармон, ишнинг кўзини билади. Ахлоқ-одобда бошқаларга намуна.

Хуллас, Абдураҳим ака кунларнинг бирида кўчадан бораётганида собиқ муаллимлари Акбаржон Нормирзаевни ногиронлар аравасида кетаётганида кўриб қолди. Аравачани 13 - 14 ёшлардаги ўсмир қиз суриб борарди. Не кўз билан кўрсинки, домла ҳеч қаёққа қарамас, атрофдагилар саломига ҳам бефарқ, оёқлари остигагина тикилиб ўтирарди.

Абдураҳим аканинг юраги "шув" этди, юрак томонидаги қандайдир тор узилиб кетгандек бўлди. Ахир, бундай ҳолатда фақат ожиз, кўзлари кўрмасдан қолган одамларгина юрадилар-ку!

- Эҳ, бечора домла, қандай одам эдилар-а! Эгниларидаги кийимларида чизиқ кўринмасди, пойабзалларига ғард қўндирмасдилар. Мактабда ўн йил ўқиган бўлса, бирон марта соқоллари ўсган ҳолда учратмаган. Юзлари ҳамиша арчилган тухумдек силлиқ кўринарди.

Абдураҳим ака қанча вақт хаёл уммонига ғарқ бўлиб ўтириб қолганини билмайди. Битирадиган ишлари ҳам кўнглига сиғмасдан ортига қайтди.

Орадан бир ёки икки кун вақт ўтиб-ўтмасдан бозордан ул-бул нарса харид қилган бўлди-да ва уларни халтачага жойлаб домланинг уйига қараб йўл олди. Табиийки, аввалига домла танимади, орадан анча йиллар ўтиб кетган ахир! Исм-шарифини айтгандан сўнггина ёдига тушди шекилли, қўлларини узатдилар.

- Тузукмисиз, болаларингиз яхшими?

Кейин бир пиёла чой айлангач домла кўзларига ёш олдилар:

- Тақдирда бор экан, болам, шўр пешона эканман, мана, етмишдан ошганимда устма-уст кўргилик тушяпти бошимга. Аянгиз ўтди, йиғлай-йиғлай олдинига кўзим хиралашди, кейин бутунлай кўрмай қолди...

- Мен эртага қайта келаман, ўшанда бу ҳақда батафсилроқ гаплашамиз, - деди Абдураҳим ака.

Кечқурун оила даврасида А. Қаюмов кўрганларини, ниятини айтди.

- Устознинг оиласи қўл учида кун кўради. Даволанишга имкониятлари йўқ ҳисоби. Яқинда бир танишим Андижондаги кўз клиникасида шундай касалликка чалиниб кўзини очириб келганини эшитдим. Шунинг харажатини уддасидан чиқсак, савобга ботардик-да!

Ўзбек хонадонида отанинг гапи қонун. Ўғиллари падари бузрукворлари ниятини қўллаб-қувватлашди ва бунинг учун керакли маблағ ажратишга рози эканликларини билдиришди.

Собиқ ўқувчисининг мақсадини эшитган муаллимнинг кўзларидан шашқатор ёш оқди:

- Ўлимлигим учун 75 минг сўм пул жамғариб қўйганман. Ўшаниям қўшиб олинглар. Вақти-қазом етса, бир иложи қилиб болалар-у, қариндош-уруғлар биргалашиб кўмиб олишар. Битта ўзингиз пул сарфлайман, деб уриниб қолманг тағин!

Домланинг таклифига Абдураҳим ака унамади. Ўғиллари билан бу ишга қатъий қарор қилишганликларини билдирди. Домланинг қизи ҳам 50-60 минг сўм қўшмоқчи бўлди.

Абдураҳим ака унинг пулини ҳам олмади.

- Савоб яримта бўлмайди, - деди у.

Эртасига А. Қаюмов Андижон шаҳрига бориб кўз касалликлари шифохонасидагилар билан гаплашиб келди ва сал ўтмай устоз муаллимни етказиб борди.

- Яқинда мактаб соҳасида ярим асрдан кўпроқ ишлаган, Халқ маорифи аълочиси Акбарали Нормирзаевни кўриб қолдим, - дейди ҳикоясини тамомларкан курсдошим Т. Ғозиев. - Энди уни аравада олиб юришмаяпти, балки ўша ўзи юрган ногиронлик аравачасини етаклаб борарди. Оёқ устида бўлсаям беш-ўн дақиқа суҳбатлашдик. Бозорга тушиб қайтаётган экан.

- Рўзғор камчиликларини тўлдириб, набираларимга у-бу харид қилдим, - дейди Акбарали ака кулиб.

Кейин кўзи очилганлиги билан табрикласам, шогирди Абдураҳим Қаюмовни узундан-узоқ дуо қилди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири**

## Турфа олам

### ПЕРУЛИК СУВ ПАРИЛАРИ

Бу болакай яқинда Перуда, Уанкайо номли тоғли ҳудуддаги тиббий қисмда дунёга келди. Унинг туғилган пайтдаги вазни 2 килограмм. Fortean Times журналида чоп этилган суратда чақалоқ бор-йўғи икки ҳафталик бўлиб, шифокорлар унинг ўғил ёки қизлигини аниқлашга жуда қийналдилар, чунки танасининг пастки қисми балиқ думига ўхшарди.

Тиббиётда бундай ҳодиса сиреномелия синдроми деб аталади ва дунё бўйича 300 та шунақанги воқеа юз берган бўлса, унинг 5 таси Перунинг ҳиссасига тушган. Одатда, "сирена" ёки "сув париси" деб номланадиган бу чақалоқлар бир неча кун ёки ҳафта яшайдилар, аммо узоқроқ ҳам яшашларига умид қилса бўлади. Масалан, ҳозир 13 ёшга кирган Тиффани Йоркс болалигида "сув парисининг думи"ни иккига айириш бўйича мураккаб жарроҳлик операциясини бошдан кечирган ва ҳозир бошқалар сингари тўғри юради.

Перулик "сув париси"нинг ота-онаси Сара Арауко ва Риккардо Серрон эндигина йигирма ёшдан ошишган ва тўнғич фарзандларининг бошқалар сингари бўлиши учун ҳамма нарсага ҳозирлар. Аммо Sun газетаси ва бошқа матбуот нашрларида ёзилишича, Лима шаҳри касалхонасида бу болакай билан шуғулланаётган доктор Луис Рубио 2004 йил майда уни жарроҳлик операциясига тайёрлашга ҳали эрталигини, бола вазни камида 6 килограммга етиши кераклигини билдирган эди. Унинг бахтига, бўкса, катта ва кичик тос суяклари бирлашиб кетмаган, шу сабабли унинг фақат енгил тўқималаринигина ажратишга тўғри келади, холос. Шифокорларнинг фикрича, болакайнинг мияси ва асаб тизими рисоладагидек ишламоқда.

**Д.ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади**





# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

### НЕМИС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Боланинг кичиги онанинг бағрида бўлса, каттаси қалбида бўлади.

* * *

Ақлли боланинг оғзи ёпиқ бўлади.

* * *

Қуруқ кучда ҳикмат йўқ.

* * *

Ҳаёт кураш демакдир.

* * *

Балиқни сузишга, кабутарни учишга ўргатма.

* * *

Вақт инсонга эмас, инсон вақтга эргашади.

* * *

Ақл манглай билан ўлчанмайди.

* * *

Айиқни овламай туриб, терисини сотма.

* * *

Қўшиқни охиригача куйлай десанг, овозингни фалакка кўтарма.

* * *

Якка туя карвон бўлмас, якка дарахт ўрмон.

**Немис тилидан Р.КЕНЖАЕВ таржимаси**

## Овчи ён дафтаридан

***Чор атрофи баланд тоғлар билан қуршаб олинган Осмонсой кенгликларини какликлар макон қилиб олишган. Ҳар гал қуёш бўй кўрсатган паллада бу кўркам қушлар тўда-тўда бўлишиб ингичка, майин ва ёқимли сайраши билан кўнгилларга завқ-шавқ бахш этади.***

# САЙРОҚИ ҚУШ

Ўша кеч ёға бошлаган қор туни билан тинмади. Тонг ёришганда кучли шамол туриб, сой ва жарликларни қор уюмлари билан теп-текис қилиб кетди. Тоғ этагидаги мўъжазгина уйчанинг томи зўрға кўриниб турарди. Қуёш осмонга тик кўтарилгандагина шамолнинг овози ўчди. Ҳамроҳимиз тоғбеги Носир амакининг кайфияти ҳар қачонгидан кўра яхши эди.

— Мана энди ростакамига ов қилсак бўлади, -деди у хурсандлигидан кафтларини бир-бирига ишқалаб. - Ҳеч қандай қурол-яроғ керак бўлмайди.

Биз ҳайрон бўлиб тоғбегига қарадик. Бошқалар ҳам елка қисишди. Нонуштадан сўнг биз ҳаммамиз тепаликка кўтарила бошладик. Тоғ чўққига етар-етмасимиздан какликлар тўдасига дуч келдик. Жониворлар биздан чўчишиб ҳарсанг тошлар оралиқларидаги қор уюмларига бекинишмоқчи бўлди. Бу беозор қушлар бир-бирларининг пинжига тиқилишиб олган, патлари суягига ёпишиб қолганди. Тоғбеги какликларнинг бир нечта хўрозини тутиб халтасига жойлади. Қолганларини эса қўли билан ҳавога учириб юборди. . .

Аччиқ аёзли кунларда паррандалар озуқа қидириб тепаликдан пастга - фермерлар қишлайдиган қўтон ва молхоналарга, ҳатто қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларга ҳам боришга мажбур бўлишади.

— Табиатда тоғ, чўл ва саҳро какликлари учрайди. Ҳарсангтош, бута ва шох-шаббалар рангига мосланиб олганлиги туфайли уларни далада тезда илғаб олиш қийин. Бу эса беозор қуш жониворларнинг ташқи хавф-хатарлардан сақланиши ва ҳимояланишида асқотади.

Ҳамроҳимиз бироз тин олгач, ҳикоясини давом эттирди.

Табиат мўъжизаси бўлган бу кўркам ва беозор қуш уйдаги хонаки товуқдан кичикроқ бўлиб, ташқи кўриниши малла ранг, кимдир атайлаб бўяб қўйгандек қанотларида бир қанча чизиқлари бўлади. Кўзлари мунчоқдек қоп-қора. Тумшуғи, оёқ болдирлари ва панжалари қизил тусдалиги билан бошқа қушлардан ажралиб туради.

Бу сайроқи қушлар баҳор фаслининг май ойларида баланд тоғ ён бағирларига кўтарилишиб, жингил, шувоқ ва шу каби буталар тагига уя қуриб, ўн иккитадан йигирматагача тухум қўйишади. Тухум босиш, жўжа очиш ва парваришлаш асосан макиёнининг зиммасида бўлади. Эркак какликлар бу пайтда ўзларининг белгиланган ҳудудларидан ташқарига чиқишмайди. Каклик эркагини болдирларидаги қора доначалари сонига қараб, унинг ёшини билса бўлади. Бу жониворлар ўн беш йилгача ҳаёт кечиради.

Баҳор ва ёз ойларида уларни овлаш тақиқланган бўлишига қарамай, айрим нопок ва мазахўрак кимсалар макиёни солинган қафасни яширинча ҳавза бўйлари, анҳор ва булоқ ёнларига ўрнатишиб, атрофига жела (тузоқ) қўйишади. Жела отларнинг ёлидан тайёрланади. Қафасдаги каклик сайраши билан теварак-атрофдаги какликлар ўз ҳудудларига бегона қушнинг келиб қолганлигидан безовталаниб, унга талпинишади. Шу тариқа «овчи»лар тузоғига тушишиб қолишади.

Ана шундай баҳорнинг илиқ кунларида акалари ортидан эргашиб келган ўн-ўн икки ёшли болакай тухум босиб ётган макиён уясига дуч келиб қолади. Қуш жонивор чўчиб ўн-ўн беш қадам наридаги ҳарсанг тош устига бориб қўнди. Эндигина тухумдан чиққан бир неча жўжалар бир-бирларининг пинжига тиқилишиб мудрашарди. У уйидаги курк бўлган товуғига бостириш хаёлида уядаги тухумларни дўпписига солишга чоғланган ҳам эди, макиённинг фиғони чиқиб унинг боши узра айлана бошлади. Шу топда бошқа какликлар ҳам бу ерда пайдо бўлиб, ғала-ғовур кўтарилди.

Болакай уядаги тухумларга тегинмасдан секин-аста бу ердан узоқлашди.

— Баҳор ва ёз ойларида макиён какликлар тухум босиб жўжа очишади ва парваришлаб учирма қилади. Бу вақтда сайроқи ва кўркам қушлар расман давлат назоратида бўлади. Қонунбузарлар эса тегишлича жазога тортилади, - дейди тоғбеги Носир амаки.

**А.САИДОВ**

### ПОЛВОН БОЛА

2004 йили июн ойи охирида The New York Times газетасида туғилибоқ куч-қудратини намоён этаётган болакай ҳақида мақола чоп этилди. Болакай Берлинда туғилган ва дарҳол унинг ғаройиб эканлиги маълум бўлган, чунки унинг мушаклари чақалоқларникига ўхшамасди. Берлин университети Тиббиёт маркази доктори Маркус Шюлкенинг таъкидлашича, бундай ҳол тиббиёт тарихида илк бор рўй беришидир. Сичқон ва туёқли ҳайвонларда шунга ўхшаш ҳодисалар рўй берган, аммо одамлар орасида биринчи марта шунақа бўлиши. Бу шунақанги ноёб ирсий мутацияки, у ҳақда махсус тиббий журналда батафсил баён қилинди. Маълум бўлишича, онасида миостатин оқсилини ишлаб чиқариш учун масъул бўлган ген ишламайди, ўғлида эса бундай генларнинг иккитаси йўқ. Бу худди икки тарафлама мутацияга ўхшайди.

Болакай туғилгани ҳамоноқ безовталаниб, оёқ-қўлларини тинмай қимирлата бошлади. Орадан икки ой ўтгач, у тинчланди, аммо унинг мушаклари бақувват эканлиги яққол кўриниб турарди. Агар унинг товонидан ушланса, у оёқчаларида тикка туради.

Болакайнинг онаси бақувват аёл бўлиб, профессионал спринтер, яъни югуриш спорти билан шуғулланади. Бунинг устига у полвонлар оиласидан - бобоси 150 килограмм келадиган харсанг тошларни бемалол кўтаради.

Ҳозир бу ғаройиб болакай олдинга узатилган қўлларида уч килограммли гантелларни кўтара олади. У улғайганида, нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Аммо бу воқеа олимларни жуда қизиқтирмоқда, ахир унинг ёрдамида дистрофия ва бошқа мушак заифликларига чек қўйиб, уларни келтириб чиқарадиган баъзи генларни "таъмирлаш" мумкин бўлади-да...

## НИМ ТАБАССУМ

**Сочи тўкилиб кетаётган одам сартарошдан сўрапти:**

**– Соч тўкилишига қарши бирон дорингиз йўқми?**

**– Бор, бўлганда қандоқ! Жуда зўр дори. Жуда яхши таъсир қилади. Қалин соч ўсиб чиқади.**

**– Нега ундан ўзингиз фойдаланмайсиз?**

**– Гап шундаки, уни менинг шогирдим сотади.**

**Унинг бошидаги сочига қаранг. Шу тарзда биз икковимиз дорини татбиқ қилмасдан олдин бош қанақа бўлган-у, татбиқ қилгандан кейин қанақа бўлганини намойиш этамиз.**

* * *

*Сайёҳлар жунглида маҳаллий одамлардан бирини учратишипти. У жонжаҳди билан дўмбира чалаётган экан.*

*– Бу оҳангни биламан, деб шивирлабди тадқиқотчилардан бири. – У сув сўраяпти. Ҳозир текшириб кўрамиз.*

*– Менга қаранг, – депти у, – айтинг-чи, сиз худодан сув тилаяпсизми?*

*– Топдингиз, – депти маҳаллий одам. – Аниқроқ айтсам, мен слесарни қидиряпман. Келиб водопроводимни тузатиб берсин.*

* * *

**Тарвузи қўлтиғидан тушган йигит қизи турмуш қуриш ҳақидаги таклифини рад этганидан ўртоғига шикоят қилипти.**

**– Сен кўп хафа бўлаверма. Кўпинча қиз боланинг «йўқ» дегани «ҳа» дегани бўлади.**

**– Гап шундаки, у «йўқ» демади-да, «аҳмоқ!» деди, холос.**

* * *

*Фалсафадан лекция бўлаяпти.*

*– Ўзи ноҳақ бўлса-ю, буни тан олса, ундай одам – донишманд. Ўзи ҳақ бўлса-ю, рақибига ён берса, бундай одам...*

*– Уйланган одам, – деди кимдир залдан.*

* * *

**Кекса хоним танишига деяпти:**

**– Манави кўриб турганингиз «Виктория» деган ҳарбий кеманинг сувврати. Мен эрим орқали бу кемага йигирма йил кўмондонлик қилганман.**

* * *

*Бир хотин психиатрнинг олдига югуриб келди.*

*– Эрим жинни бўлиб қолди. Уни тезроқ жиннихонага жойланг.*

*– Нима гап ўзи?*

*– Кеча ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, ошхонага кирди, ёғоч тўқмоқ билан гўштни уриб, бифштекс қилди, кейин оқсоч аёлнинг бетидан ўпти.*

*– Жиннилик аломатларини кўрмаяпман, – деди профессор. – Агар эрингиз тўқмоқ билан оқсочни уриб, бифштексни ўпганида, у билан машғул бўлсам бўларди.*

* * *

**Шаҳарга сайёр цирк келипти. Цирк директори одамларга филни кўз-кўз қилипти.**

**– Бу жуда зўр ақлли жонивор. Янги жойда чодир ўрнатиш зарур бўлиб қолса, бир ўзи йигирма кишининг ишини қилади.**

**Одамлар ҳайрон.**

**– Сизнинг-ча, шу унинг ақллилигиданми?**




**А.ҲАКИМОВ чизган расм**

## Китоб зарварақларида

***– Дадам акангизга олча шарбати бериб юбордилар, илоё шифо бўлсин.***

***Жалолиддин орқасига ўгирилди. Қаршисида Шарофуддин Лолонинг қизи қўлидаги кўзачани чўзиб турарди. Қанчалар ўсиб, ўзгарибди бу қизалоқ! Жалолиддин қиз қўлидан кўзачани олишни ҳам унутаёзган эди. Жалолиддин дарвоза ёпилгандан кейингина ўзига келди.***

# РУМИЙ ГАВҲАРИ

Барча мавжудотлар ичида фақат инсонгина ҳам жисми, ҳам ақли-идроки, ҳам хаёли, ҳам хотираси ила севишга қодирдир. Мутлаққа интилган Жалолиддин учун олий ишқ ҳақиқат ишқи эди. Ҳар нечук севги инсонга, ерга, Ватанга муҳаббат, унинг учун ҳақиқий, ишқ йўлидаги босқичлар эди. У севгини қуёшга қиёс этарди.

17 ёшида Гавҳарга бўлган муҳаббати Жалолиддинни руҳий соқовликдан қутқариб, юрак тилида унга илк сўзларни ўргатди. Гўзалликда илоҳий ҳуснни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш, тун қоронғусини ошиқона ғазалларга тўлдириб чарх уриш сўфийлар учун шунчаки само рақси эмас, балки ишқдан мастаяласт бўлиш маросими эди. Жалолиддинларнинг оиласи тақдир тақозоси билан Кўҳна Балх шаҳридан кўчиб кетишади. Бағдод, Кунё, Нишопур, Кабир, Курдистон каби бошқа кўпгина шаҳарларда илму урфон нурларини улашишади. Бу ишга унинг отаси Султонул уламо номи билан донг таратган Баҳоуддин Валад қаттиқ киришган эди. Улар Макка шаҳрини зиёрат қилишиб, сўнгра яна йўлга чиқишади. Ниҳоят тунлари юлдузлар тўла осмони гўзал бўлган Ларенде шаҳрида қўним топадилар. Сафар машаққатларидан тинка-мадори қуриган Жалолиддиннинг кўнгли хотиржам эди. Чунки улар билан карвонда Гавҳарбону, яъни Шарофуддин Лоло оиласи ҳам бирга эди. Ларендедаги дарвешона ҳаёти Жалолиддин қалбида ўчмас лаҳзалар ила муҳрланди. У шариат аҳкомларига биноан Гавҳарбону билан никоҳдан ўтди.

Ҳижрий 623 (милодий 1226) йилда Гавҳарбону Жалолиддинга ўғил туғиб берди. Жалолиддин ўзининг Гавҳарга бўлган севгиси туфайли дунёга келган янги меҳмонни биринчи бор кўрганида у қизғиш товланувчи коптокдек бўлиб, кўкимтир чойшабда ётарди. У кўз ўнгида ёлғиз ўз Гавҳарини эмас, табиатнинг туганмас барокат рамзи бўлмиш Зуҳрони ҳам кўрарди. У қадимий сувратларда қандай чизилган бўлса, худди шундоқ эди. Эгнида тилларанг либос, қўлларида билагузуклар, оёқларида ҳилхол. Унинг қўлларида қадимий мусиқий асбоб қўбиз эмас, чақалоқ. Аёл уни создек тутиб, бутун оламнинг оҳангини таратмоқда эди.

Сирасини айтганда, Румий ўша кунлардагидек, ҳеч қачон бахтиёр бўлмаганди.

Севимли Гавҳари вафотидан сўнг, Румий «Котибул асрор»ларини чорлаб муҳаббат қуёши шарафига умр китобини тугатмоққа киришди. Худди ана шу йиллардан Жалолиддин дунёнинг энг машҳур, энг суюкли сўфий воизларидан бирига айланганди. У дунё ҳақида билиш мумкин бўлган ҳамма нарсани билар, ақл-идрокка муяссар бўлган ҳамма нарса унга аён эди. Румий том маънода зоҳидлик йўлини танлаган эди.

***Воҳ менга машриқ***
***надир, мағриб надир,***
***Балки кўкларга***
***учармен барибир.***
***Унда бўлмас эрса гар***
***сендан нишон,***
***Ҳеч эрур менга бу***
***умри жовидон.***

**Н.СОЛИҲОВА тайёрлади**

**Информация о существеных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитенте ГАСК «Кафолат».**

**ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ – 05**

– Вид ценных бумаг – безналичные именные акции, категория – привилегированные и простые;

– дата принятия эмитента решения о выплате дивидендов по акциям 05 май 2005 года; срок выплаты дивидендов по акциям – не позднее 60 дней с даты принятия решения о выплате дивидендов;

– орган эмитента, принявший о выплате дивидендов по акциям Годовое общее собрание акционеров;

– размер дивидендов, выплачиваемого на одну привилегированную акцию – 490 сўм, на одну простую акцию – 301 сўм 96 тийин;

– общеее количество привилегированных акций по которым начислены доходы – 5000 штук, общее количество простых акций по которым начислены доходы – 995000 штук;

– форма выплаты начисленных доходов по ценным бумагам – денежные средства.

**Адрес ГАСК «Кафолат»**
**700049, г.Ташкент, ул.Мовароуннахр, 13 а.**
**Тел: 133-26-98**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, профессор Раҳбар Муртазоевага опаси **Раънохон ШЕРМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:** Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.*

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314